O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 12 апрель ШАНБА

№ 28 (12.039)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЎЗ ИШИМДАН МАМНУНМАН

дейди Янгийўл туманидаги «Эрали-Ғайрат» фермер хўжалигида ғаллани озиқлантираётган ОВХ оператори

Бу йил вилоятда ғаллани барг орқали, яъни суспензия эритмаси билан озиқлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг боиси шундаки, қиш қаттиқ келгани сабабли ғалланинг ривожи бироз кечикди.

Мутахассисларнинг тавсияси билан барча туманларда ғаллага суспензия ўғитини пуркашни уч босқичда ўтказишга қарор қилинган эди. Жумладан, Янгийўл туманида ғалла иккинчи марта шу усулда озиқлантирилмоқда. Туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» ташкилоти раҳбари Алишер Хожихоновнинг таъкидлашича, туманда суспензия тайёрлаб, ғаллазорларга етказиб берадиган 8 та махсус шахобча ташкил этилган. Ғаллазорларда эса, 24 та ОВХ пуркагичи юксак унум билан ишлатилмоқда.

Суспензия ўғитини пуркашнинг иккинчи босқичини биринчилардан бўлиб бошлаган «Эрали-Ғайрат» фермер хўжалигида бу муҳим агротехник тадбир, айниқса, тез ва сифатли амалга оширилмоқда. Бу бежиз эмас.

– Бошида суспензия ўғитига унчалик эътибор бермай, мутахассисларнинг шунчаки тавсияси деб қарагандим, –дейди фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Эралиев. – Биринчи босқич озиқлантиришдан сўнг уч-тўрт кун ўтгач, ғалланинг аҳволини кўриб, ҳайрон қолдим. Қишдан толиқиб, рангпар бўлиб чиққан буғдой майсаларининг қадди адлашиб, қорайиб, яшнаб кетибди. Суспензия кучли ўғит экан. Шу боис иккинчи ва учинчи босқичларни ҳам вақтида ва сифатли ўтказиш учун бутун чораларни кўрамиз.



СУРАТДА: тажрибали ОВХ оператори Эрали Турлибеков.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Бугуннинг гапи

ЭНДИ БИЗГА ЗАМОНАВИЙ ШИЙПОНЛАР КЕРАК

ФЕРМЕРЛАР қишлоқда асосий кучга айланди. Биринчи навбатда улар аҳолига иш беради. Ўз навбатида, деҳқонларнинг иш шароитларини яратиб беришга ҳам масъулдирлар.

Деҳқончилик мавсумининг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Даланинг бошида тушлик қилиб, яна ишни давом эттириш ҳам вақтни тежайди, ҳам агротехник тадбирларнинг сифатли ва вақтида ўтказилишини таъминлайди. Ана шундай пайтда «Дала шийпони – деҳқоннинг иккинчи уйи» деган ибора беихтиёр ёдимизга тушади.

Бугунги кунда дала шийпонларига эҳтиёж борми? У қандай бўлиши керак? Бу масалада фермерлар, деҳқонлар ва бошқа мутасадди кишилар билан суҳбатлашдик.

– Ҳаётини деҳқончилик билан боғлаган фермерга дала шийпони албатта керак, – дейди агросаноат ходимлари Ўртачирчиқ туман касаба уюшмаси кенгаши раиси Илдор Сайфуллин. – Негаки, фермер ҳам, аъзолар ҳам кўп вақт далада бўлишлари керак. Долзарб паллада ўтириб овқатланадиган, бироз ҳордиқ чиқарадиган, керак бўлса, даврий матбуот нашрларини ўқиб, маълумотлар оладиган тайин жой бўлиши лозим.

– Биз учун дала шийпони зарур, – дейди «Янги турмуш» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Илғор» фермер хўжалиги раҳбари Зокир Қорабоев. – Шийпон қуриш ниятимиз бор. Бунинг учун 20 сотих ер ажратилган, рухсатномамиз ҳам бор.

Биз суҳбатлашган кўпгина фермерлар дала шийпони зарур дейишади. Демак, у керак экан, албатта, бугунги кун талаблари даражасида бўлиши лозим.

– Илгариги дала шийпонлари бугунги кун талабига жавоб бермайди, – дейди «Ўртасарой» қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Муҳаббат Саймусаева. – Негаки, эски шийпонлар бир-икки хона ва пешайвондан иборат бўларди. Ҳозирги кунда фермернинг дала шийпони мажмуа шаклида бўлиши мақсадга мувофиқ. Унда барча маиший шароит яратилиши керак. Ошхона билан биргаликда дам олиш, аёллар хоналари бўлиши лозим. Айниқса, мавсум ишчилари учун ётоқхоналар ташкил этиш зарур.

Ҳудудимиздаги «Йўлдош ўғли Фарҳод» фермер хўжалиги раҳбари Йўлдош Нодиров эски дала шийпонини таъмирлади. Ширкат хўжалигининг катта омборхонасини қайта қурди. Техника парки, таъмирлаш устахонаси барпо этди. Унинг ёнида янгидан 12 хонадан иборат иморат қурди. Ҳозирги кунда пардозлаш ишлари давом этмоқда. Бу бинода фермер хўжалиги аъзолари учун барча маиший, маданий шароит яратилади. Энг асосийси, алоҳида ётоқхоналар ташкил этилади.

Фермер хўжаликларида бўлар эканмиз, яна бир намунавий иншоотни кўрдик. Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермер Ислом Аҳмадуллаев эски дала шийпони ўрнида янгисини қурди. Каттагина бино узун зал, дам олиш, аёллар хоналари ва кўркам пешайвондан иборат. Ҳар бир хона ўзига хос зарур жиҳозлар билан таъминланган. Телевизор, музлаткич, ошхона анжомлари мавжуд.

100 бош паррандага мўлжалланган товуқхона, қўйхона қурилиши давом этмоқда. Кейинроқ эса душхона, тандирхона қурилади. Ҳовлидаги томорқада иссиқ овқат учун зарур сабзавот, картошка ва кўкатлар экилади.

Мана буни бугунги кун талаби даражасидаги дала шийпони деса бўлади. Бу деҳқонга ғамхўрлик намунаси.

«Муталҳожи ота» – туманимиздаги иқтисодий бақувват фермер хўжаликлардан саналади. Ўз тракторлари, дон комбайнлари ва бошқа агротехника воситаларига эга.

Хўжалик раҳбари Турдали Усмоновнинг фикрига эътибор беринг:

– Дала шийпонида деҳқон учун маиший шароит яратилиши билан биргаликда, у тарбия ва маърифат ўчоғи ҳам бўлиши керак. Айниқса, бунда вақтли матбуот нашрларининг ўрни бўлак. Биз фермер хўжалиги ҳисобидан газета ва журналларга обуна бўлдик. Бундан деҳқонларимиз хурсанд.

Бугунги кунда туманимизда пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида 500 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпида дала шийпонлари йўқ. Муҳими, улар бундай маскан зарурлигини ҳис этмоқдалар. Иқтисодий имкониятига қараб, барпо этишга киришмоқдалар. Бузилган, эскирган дала шийпонлари ўрнида замонавий бинолар қуриш пайти келди, чоғи.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ, Ўртачирчиқ тумани.

Вилоят ҳаёти

ЁШЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бунёдкорлари Ёшлар йилида тўрт қаватли эски тураржой биносини замонавий андозалар асосида қайта таъмирлаб, шинам ҳолатга келтиришди.

9 та бир хонали ва 23 та икки хонали бу хонадонларнинг барчаси кундалик рўзғор буюмлари, замонавий газ плиталари ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланган. Таъмирлаш учун 500 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

– Бу янги хонадонлар ўзларининг муносиб эгаларига топширилди, – деди комбинат касаба қўмитаси раиси Собир Пўлатов. – Жумладан, комбинатда беш йилдан ортиқ самарали меҳнат қилаётган 32 ёш мутахассис энди шинам ва кўркам янги уй-жойда яшайди. 19 нафар илғор қурувчи 50 минг сўмдан пул мукофотлари олди.

Ойсара ДАДАЕВА.

ШУНҚОРЛАР БЕЛЛАШДИ

Чирчиқ Олий танк қўмондонмуҳандислик билим юртида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда шаҳардаги ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ўзаро баҳс юритди.

Иштирокчилар турникда тортилиш, 100 метрга эстафета ҳамда 1 километрга кросс усулида югуриш, граната улоқтириш, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш каби шартларни бажаришди. Қўшиқ айтиб, сафда юриш шарти эса йигитларнинг саньатдан қанчалик хабардор эканлигини кўрсатди. Сўнгги шарт – савол-жавоблар илмий мавзуга бағишланди.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, Чирчиқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи вакиллари 1-ўринни эгаллашди ва мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритишди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВ-СЕМИНАРИ

ЮРИСТЛАР малакасини ошириш марказида ҳарбий прокуратура органларида хизмат ўтаётган ёш мутахассисларнинг амалий-ўқув семинари бошланди.

Юртбошимизнинг "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда ҳарбий прокуратура органларининг ўрнига бағишланган ушбу семинардан кўзланган асосий мақсад ҳарбий прокуратура органларида хизмат қилаётган ёшларга дастурнинг мақсад ва вазифаларини атрофлича тушунтириш, уларнинг билимини ошириш, амалий тажрибасини бойитиш ҳамда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган кенг кўламли самаралардан атрофлича хабардор этишдан иборатдир.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

2008 йил – Ёшлар йили

ИҚТИДОРИ БОР РАҒБАТГА МУНОСИБ

«ЎЗБЕКИСТОН маданияти ва санъати форуми» жамғармаси иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мақсадида янги-янги лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ангрен Давлат педагогика институтида ўтказилган «Биз бир жамоамиз» акциясидан кўзланган мақсад, жамғарма фаолияти билан яқиндан таништириш, амалга оширилаётган лойиҳа ва грантларни оммалаштириш, ёшларда ташаббускорлик ва интилувчанликни янада кучайтиришдир. Ушбу акция давомида институтнинг 250 нафар талабасидан иборат 10 та гуруҳ бир қатор шартлар бўйича баҳс юритди. «Иқтидор» жамоаси таркибидаги ўғил-қизлар барча шартларни аъло даражада бажарганликлари учун уларга олий соврин топширилди.

– Тўғрисини айтсам, менда қандайдир таклиф туғилса, уни амалга оширишга ийманардим, – дейди акция иштирокчиси Дилфуза Қосимова. – Лекин акцияда қатнашиб, бу менинг жиддий хатоим эканлигини англадим. Бизнинг ҳар бир ғоя ёки ташаббусимиз келажак сари йўл очар экан. Акция менга кўп нарсаларни ўргатди.





Акция ғолиб ва совриндорлари қимматбаҳо совғалардан ташқари «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази аъзолигига қабул қилинишди ва марказнинг ёзги ўқув оромгоҳига таклиф этилдилар.

Худди шундай тадбир Чирчиқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам бўлиб ўтди.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Чирчиқ шаҳрида ўтказилган тадбир жараёнидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ОАВ:

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎРНИ КАТТА

ИНСОН ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Ўзбекистонда матбуот эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуман 3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги куни, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришнинг асосий йўналишлари, матбуот эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мамлакатда оммавий ахборот воситалари миллий босма нашрларини ривожлантириш истиқболлари каби мавзулар муҳокама этилди.

Шунингдек, анжуман доирасида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича халқаро дастури билан биргаликда тайёрланган ва нашр этилган "Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари" ҳамда Парламентлараро Иттифоқнинг болалар меҳнатига оид қўлланмаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".

«ЭКОСАН» ТАШАББУСИ БИЛАН

ЎСИБ келаётган ёш авлоднинг атроф-муҳит муҳофазасига оид билимини янада кенг шакллантириш узлуксиз экологик таълим тизимини йўлга қўйишни тақозо этади.

«Экосан» халқаро ташкилоти ва тармоқ филиаллари ўз фаолияти доирасида мазкур масалани кенг муҳокама қилиш ва зарур тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида бевосита таълим муассасаларида илмий-амалий конференциялар ўтказмоқда.

Шундай тадбирларнинг бири Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтди. У «Экосан» ташкилоти ҳамда вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Ёшлар экологик тарбиясининг муҳим хусусиятлари» мавзуидаги конференцияда шу масалага оид маърузалар билан бир қаторда «Экология ва ижтимоий иқтисодий таълим» ҳужжатли фильми ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир доирасида таълим муассасаси ҳамда туман марказий шифохонасига «Экосан» ташкилотининг 3 миллион сўм ёрдами топширилди.

Шиддатбек АБДУЛЛАЕВ, талаба.

Тадбир

ОФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОИТС касаллигининг олдини олиш, тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Бинобарин, бу нафақат тиббиёт ходимлари, балки бутун аҳолининг масъулиятли вазифасидир.

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллигини юқтирган ОИТС билан касалланган шахслар, – дейилади Ўзбекистон Республикасининг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисида»ги Қонунида, – ўзларига инсоний муносабатда бўлиниши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши ва ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар».

ОИТСнинг олдини олишда, айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати муҳим аҳамиятга эга. Уларда эълон қилинаётган мақолалар, эфирга узатилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар, қисқаси оммавий тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолини ўз-ўзини ҳимоя қилишга чақириш катта самара бериши мумкин.

Бу борада Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлими ҳам муайян чора-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда. Марказ ушбу касалликнинг олдини олишга қаратилган телевизион роликлар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган семинар-тренингда «Энг яхши сценарий» танлови эълон қилинди. Семинар-тренингда ОИТС касаллиги бўйича кенг маълумотга эга бўлган ОАВ ходимларининг ёзган сценарийлари бир ой ичида сараланиб, ғолиблар эълон қилинади.

Сайёра РИХСИЕВА.

ИСТЕЪДОДЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Янгийўл шаҳридаги академик лицейда маданий-маърифий тадбир ташкил этди.

Жамғарманинг вилоят ва шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида бўлиб ўтган «Ёшлар — келажагимиз» мавзусидаги тадбирда жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари ҳамда ўқув даргоҳининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар жамғарма фаолиятида эришилган ютуқлар ҳамда ташкилот ишида ёшларнинг роли катта бўлаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларидан келган санъатга иштиёқи баланд ўғил-қизларнинг жозибадор қўшиқ ва гўзал рақслари даврага файз бағишлади. Лицей қошида ташкил этилган ёш қаламкашлар тўгараги аъзоларининг мушоира баҳслари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Тадбирда фаол қатнашган 20 нафар иштирокчига жамғарманинг совғалари топширилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТДА: жамғарма вилоят бўлимининг раиси Гулсанам Ваҳобова иқтидор соҳибларини тақдирламоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА намунали ва кафолатланган хизмат кўрсатишда Оҳангаронда темир йўл бекатининг алоҳида ўрни бор. У иш ҳажми жиҳатидан Чуқурсой, Ховос бекатларидан кейинги ўринда турибди.

МИЖОЗЛАРГА МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ

– Ҳозир саройимизда 500 та вагон бор, – дейди бекат бошлиғи Абдуманнон Абдуғаниев. – Бир кеча-кундузда уларнинг 450-480 таси Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Олмалиқ шифер заводи, газ қуюв станциясига хизмат кўрсатмоқда.

Олиб келинаётган юклар тўғрисида шунингдек, бошқа бекатлардан ортилаётган юклар билан боғлиқ маълумотлар олдиндан хабар қилинади. Меҳнат жараёнлари бир маромда кечаётгани боис ўтган ойнинг ўзида умумий даромад режаси 15 фоизга ошди.

Сирғали-Ангрен бекатлари учун 60 кишига мўлжалланган маъмурий бино ҳам қад кўтарди.

ЯНГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

«АЛГОРИТМ» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида янги мавсумга катта тайёргарлик бошлаб юборилди.

Бўстонлиқ туманининг Чимён қишлоғида жойлашган «Алгоритм» оромгоҳида бу мавсум 3700 га яқин ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ўтказади. Бундан ташқари Оролбўйи минтақасидан келган ўқувчилар ҳам шу сўлим гўшада дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлайди.

Мазкур даргоҳ ўтган йили «Энг яхши оромгоҳ» номига сазовор бўлганди. Бу йил яна бир чўмилиш ҳавзаси бунёд этилмоқда. Шунингдек, «Ёшлар сайлгоҳи» ҳам очилади.

Акбар АЛИЕВ.

Бизнинг суҳбат

ЮРТ тинчлиги, халқ осойишталиги ҳар нарсадан азиз. Мамлакатимизда Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган кўламли ва самарали ишлар пировардида жамиятимизда армияга ҳамда ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув, қатъий ишонч ортди. Қолаверса, ёшларимизда Ватан сарҳадларини муносиб ҳимоя қилиш, ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олиш иштиёқи ортиб бормоқда.



ИШТИЁҚ БЎЛСА, МАРҲАМАТ!

Бугунги кунда вилоятимизда Ўзбекистон ҳарбий таълим муассасаларига номзодлар танлаш ва 2008 йилда ижросига киритиладиган вазифалар тўғрисидаги қарорга мувофиқ тегишли чора-тадбирлар ижросига киритилмоқда. Мухбиримизнинг вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Анвар Абдураимов билан суҳбати шу хусусда кечди.

– Анвар Омонович, мамлакат мудофаа хизматига кадрлар тайёрлашда ҳарбий таълим муассасалари муҳим ўрин тутади. Шундай экан, вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги қарорига биноан ўқув юртларига номзодлар танлаш ишлари қай тарзда амалга оширилмоқда?

– Кейинги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ профессионал асосда ихчам ва тезкор Қуролли Кучлар барпо этилди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан бугунги кунда Республика Мудофаа вазирлигининг ҳарбий таълим муассасаларига номзодлар танлаш ишларини ўтказувчи вилоят танлов комиссияси самарали фаолият кўрсатмоқда. Белгиланган тадбирлар режасига мувофиқ жойларда ёшлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида зобитлик касбининг аҳамияти ва шарафи ҳақида мунтазам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳарбий касбга йўналтириш бўйича ўтказилаётган тадбирларда ҳарбий қисм ва билим юртлари мутасаддилари билан ёшларимиз ўртасида суҳбат-учрашувлар муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, ҳарбий билим юртларига кириб ўқиш истагида бўлган ёшларга уларнинг қизиқиши ва қобилиятини инобатга олган ҳолда ҳарбий касбни танлашда кўмак берилаяпти. Шунингдек, зарур бўлган жисмоний, маънавий-руҳий тайёргарлик, билим даражасига бўлган талаб ҳамда уларни шакллантириш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Ўтказилаётган тадбирларда ҳар бир ҳарбий таълим муассасаси фаолияти, уларда яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги видеолавҳалар бўлажак номзод ва ота-оналарда катта таассурот қолдирмоқда. Бу каби тарғибот ишлари Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай, Бекобод, Зангиота, Ўртачирчиқ туманларида самарали йўлга қўйилган. Тарғибот ишларимизда вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари, бир қатор жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам бераяпти.

– Олий ҳарбий билим юртлари фаолияти ва уларга номзодлар танлаб олиш жараёнлари ҳақида маълумот берсангиз.

– Аввало, олий ҳарбий билим юртлари ҳақида гапирадиган бўлсак, республикамизда Тошкент Олий умумқўшин қўмондон-муҳандислик, Чирчиқ Олий танк қўмондон-муҳандислик, Жиззах Олий ҳарбий авиация, Самарқанд Олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртлари ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари Университетининг махсус факультети мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицерлар тайёрловчи, энг нуфузли ҳарбий билим юртларидир.

Мазкур ўқув муассасаларига 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган, шу жумладан, ўқишга қабул қилинадиган йили 17 ёшга тўладиган фуқаролар, шунингдек, ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган ёшлар қабул қилинадилар. Қолаверса, ҳарбий унвонга эга бўлмаган, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбур бўлган фуқаролар ҳам таҳсил олишлари мумкин.

Ўқишга кириш истагини билдирган шахслар ўқишга кириш йилининг 10 майигача яшаш жойларидаги туман ёки шаҳар мудофаа ишлари бўлимига ариза берадилар. Муддатли ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар 15 майга қадар қисм командирларининг номига рапорт топширадилар. Аризага таржимаи ҳоли, иш жойи ёки ўқиш жойидан тавсифнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, учта 4,5х6 см ҳажмда фотосурат илова қилинади.

– Номзодлар учун ўқишга киришдаги синов ва қўшимча имтиёзлар нималардан иборат?

– Қабул синовларида номзоднинг энг аввало, ҳарбий хизматга лаёқатига алоҳида аҳамият қаратилади. Тиббий кўрик, касбий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлик бўйича танлов Мудофаа вазирлигининг қабул комиссияси томонидан ўтказилади. Бу танловдан ўтганларидан сўнг даъвогарлар 10 июль куни математика, физика ҳамда она тили ва адабиёт фанларидан давлат тест синовларини топширадилар.

Ўқишга киришдаги қўшимча имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига асосан амалга оширилади. Бунда ҳарбий хизмат даврида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган, муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, ўрнатилган шаклдаги тавсиянномага эга бўлган фуқароларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

МИРҒУЛОМНИНГ СЕВИНЧИ

ЎН УЧ ёшли Мирғулом Қосимов бундай совғани кутмаган эди. Тошкент тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари болаликда олган жароҳати оқибатида эркин ҳаракат қилолмай қолган келеслик бу ўсмирга янги ногиронлар аравачаси тортиқ қилишди.

– Бўлим қошида ногиронларга аравача ва бошқа воситаларни ижарага беришни ҳам йўлга қўйганмиз, – дейди бўлим бошлиғи Зарифа Тошпўлатова. – Умуман, йил бошидан буён кам таъминланган оилаларнинг 300 ўғил-қизига пойабзал олиб бердик. Ҳомийлар 25 та шундай оиланинг коммунал тўловларини қоплаб беришди. Шунингдек, туманимиздаги 400 аёлнинг пойтахтдаги «Халқлар Дўстлиги» саройида эстрада юлдузлари концертини томоша қилишини ташкил этдик.

Сергей МУТИН.

СУРАТДА: Мирғулом Қосимовнинг қувончи чексиз.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Қарор ва ижро

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОН ИСТЕЪМОЛЧИ

ўз манфаатларининг поймол қилинишига ҳеч қачон йўл қўймайди ва ҳақини қонуний йўл билан ҳимоя қила олади

Ангрен шаҳар, 32-даҳадаги 5-уйнинг 31-хонадонида яшовчи Абдутолиб Ганиевдан шикоят аризаси тушди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси ушбу аризада баён этилган вазиятни ўрганиб чиқиб, ҳақиқий аҳволни аниқлади. Иситиш қувурлари носозлиги сабабли унинг хонадони анчадан бери истилмаган. Бироқ ҳақи ундириб келинган. Ариза муаллифининг талаби Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг тегишли моддасига мувофиқ қондирилиб, унинг фойдасига 320 минг сўм маблағни қайтариш масаласи ижобий ҳал этилди.

Янгийўл тумани, Абдулла Ортиқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1-кўп қаватли уйда ҳам юқоридагидек вазият юзага келган. Шу уйда яшовчи А. Герасимова билан Р. Суприннинг шикоят аризалари вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси билан биргаликда ўрганиб чиқилиб, 28 миллион 602 минг сўм маблағни аҳоли фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундай мисолларни давом эттириш мумкин. Аммо, асосий мақсад бу эмас. Гап шундаки, ҳар бир истеъмолчи ўз ҳақ-ҳуқуқини аввало ўзи қонуний йўл билан ҳимоя қила олиши керак. Бунинг учун «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсад ва мазмун-моҳиятини яхши тушуниб олиши лозим.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси ўз фаолиятида, аввало, ана шу масалага устувор вазифа сифатида қарамоқда. Ҳудудий бирлашманинг республика Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда вилоят ҳокимлигининг шу муҳим ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган қарори асосида 2008 йил учун ишлаб чиқилган иш режасида ушбу устувор вазифаларга кенг ўрин берилган. Жумладан, вилоят ҳокимлиги, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган истеъмол товарлари сотилишининг олдини олиш мақсадида вилоят шаҳар ва туманларида ўтказиладиган мониторинг ва кузатишлар тадбири ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Белгиланган тадбир доирасида жойларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари масаласига оид мавзуларда 44 та маъруза уюштирилди, 31 та ўқув машғулотлари ташкил этилди ва 27 та давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, вилоятнинг 21 та шаҳар ва туманларида 62 истеъмолчининг фикрлари ўрганилди. Ички бозорда сифатсиз, аҳоли саломатлиги учун хавфли маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш, ўсимлик (пахта) ёғи, тухум ҳамда ун маҳсулотларининг чекланган нархларда сотилиши юзасидан вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган истеъмол товарлари сотилишининг олдини олиш мақсадида вилоят шаҳар ва туманларида ўтказиладиган мониторинг ва кузатишлар тадбири ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Белгиланган тадбир доирасида жойларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари масаласига оид мавзуларда 44 та маъруза уюштирилди, 31 та ўқув машғулотлари ташкил этилди ва 27 та давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, вилоятнинг 21 та шаҳар ва туманларида 62 истеъмолчининг фикрлари ўрганилди. Ички бозорда сифатсиз, аҳоли саломатлиги учун хавфли маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш, ўсимлик (пахта) ёғи, тухум ҳамда ун маҳсулотларининг чекланган нархларда сотилиши юзасидан вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда мониторинг ўтказилиб, натижалари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясига маълум қилинмоқда.

Самад ЙЎЛДОШ.

Маҳаллий нашрларга бир назар

МАҲОРАТ ЕТАРЛИ, ИЗЛАНИШ КЕРАК

ЧИРЧИҚ – мамлакат иқтисодиётида, ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи йирик саноат марказларидан бири. Мулкчилик шаклини ўзгартириш ва хусусийлаштириш, умуман, изчил ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қисқа муддатда саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларига «янги нафас» бағишлади, бирин-кетин қўшма корхоналар ишга туша бошлади, тадбиркорлик жадал ривожланиш йўлига ўтди. Бугунги Чирчиқ – барқарор ривожланиш суръатлари тобора бўй кўрсатаётган шаҳар.

Биз газетани ҳаёт ойнаси деймиз. Шу боис ҳам «Chirchiq tongi» газетаси саҳифаларини кўздан кечиришга киришаётиб, унда ана шу йирик саноат шаҳри ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг тўлақонли аксини кўриш ниятида эдик.

Тўғри, газета ўз қиёфасига эга. Бу ўзига хослик газета ижодкорларининг мамлакатда амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар, ҳар соҳадаги янгиланиш жараёнларига тўғри ёндошув, ҳаёт ўзгаришларини идрок эта олиш, газета саҳифаларидан оқилона фойдалана билиш билан уйғунлик касб этса, айни муддао. Зеро, шаҳар газетаси бевосита ҳаётга яқин, корхоналар, муассасалар, жамоат ташкилотлари билан «бир ҳаводан» нафас олади. Бинобарин, ижодкорлар барча янгиликлар, воқеа-ҳодисалар, тажриба ва нуқсонларни кўриб-кузатиб, кенг ёритиш имкониятига эга.

Аммо, аччиқ бўлса ҳам, тўғрисини айтиш керак: назаримизда газета саҳифаларида бу имкониятдан фойдаланиш учун таҳририят ходимларига ижодий малака, изланувчанлик етишмаётгандек. Унда каттакичик саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, маънавий-маданий ҳаётдаги янгиликлар, ҳокимлик ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари амалга ошираётган ишлар етарлича ёритилмаётир.

Айтайлик, сўнгги ярим йилда газета саноат ишлаб чиқаришидаги тажриба ва муаммоларга доир бironта ҳам эсда қоларли мақола ёки хабар эълон қилгани йўқ. Маҳалла ҳаёти, миллий ғоя тарғиботи, спортни кенг оммалаштириш, байналминал ва маънавий-ахлоқий тарбия мавзулари деярли унутиб қўйилган.

Табиийки, «Хўш, бу ҳолда газета ўз ўқувчиларига нималарни етказмоқда?» деган савол туғилади. Ижодкорлар изчил ижодий режасиз ишлаётганликлари, «қундалик оқим»нинг кучли таъсирига тушиб қолганликларини таъкидлаш керак. Бу, аввало, ҳокимлик, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари амалга ошираётган тадбирлар ҳақида гоҳида саҳифа-саҳифа материал эълон қилинаётганида кўзга ташланади. Саҳифаларни суд идоралари масъул ходимларининг турли жазо чоралари ҳақидаги шарҳлари, айрим меъёрий ҳужжатлар билан тўлдириш ҳоллари кўп учрайди.

Вояга етмаганлар билан ишлашга доир бир қатор мақолалар эълон қилинган. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳисобот тарзида, зерикарли, таъсирсиз. Чунончи, газетанинг 2007 йил 27 октябрь сонида милиция ходими Икром Курбоналиевнинг «Бола тарбиясига ҳамма масъул» мақоласи босилган. Турли қарорларнинг узундан-узун рўйхатини келтириш, ҳисобот оҳанги мақолани ниҳоятда зерикарли қилиб юборган. Бир гапда вояга етмаган фарзанди тарбияси билан етарли шуғулланмаган 29 шахснинг исм-шарифи кўрсатилгани ҳолда лоақал бирорта воқеа ёки ҳолатнинг сабаби ва оқибати таҳлил қилинмаган.

Газета мактаб, лицей ёки коллежлардаги таълим-тарбия жараёнларини, оила, мактаб ва маҳалланинг ҳамкорлиги масалаларини ҳам етарли ёритмаётир. Бунинг устига «Дидактик жараённи бошқаришнинг баъзи масалалари», «Касб-ҳунарга йўналтиришни ташкил қилиш» сингари умумий, услубий мулоҳазалар ва таъкидлардан иборат мақолаларни эълон қилиш билан чекланилмоқда.

Баъзи ҳолларда газета саҳифаларидан ўрин олган мақолаларга асло тегишли бўлмаган, баландпарвоз, ҳатто, мантиқсиз умумий «шапка»-сарлавҳалар учрайди. Чунончи, саҳифалардан бирига «Оилавий турмуш ҳақин мутлақо, қонун-қоидани этмоқдир адо» деган умумий сарлавҳа қўйилган. Ундаги мантиқсизликни бир чеккага қўйиб турайликда, шу саҳифа материалларини кўриб чиқайлик. Унда 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нодира Аскарованинг «Физика – ҳаёт дарси» материали етакчи мақола сифатида берилган. Гап 6-синфда «Иссиқлик ўтказувчанлик. Конвекция» мавзусини ўтиш хусусида. Фуқаролик ҳолатлари далолатномасини ёзиш бўлимининг иш юритувчиси «Никоҳ ва масъулият» муаммосига бағишланган мақоласида шаҳарда қўйди-чиқди ҳолатларини таҳлил қилишга бироз уринган. Учинчи материал сифатида Дилшода исмли шоиранинг сарлавҳасиз (?) шеъри берилган.

Дарвоқе, газета саҳифаларида «ФҲДЁ» кўринишидаги қисқартма атамалар кўп учрайди. Бу ҳар бир газетхон учун ҳам муайян ноқулайликлар, англашилмовчиликлар келтириб чиқариши аниқ. Ахир, оддий газетхон «ВЕООХООГ», «КҲК», «ШТБ» сингари қисқартмаларнинг маъносини идрок этавермайди-ку?

Умуман, материалларни тайёрлашдаги шошма-шошарлик ёки эътиборсизлик, саҳифаларни шакллантиришга енгил-елпи қараш газета таҳририятида ёмон «анъана»га айланганлигини тасдиқловчи мисоллар кўп. Бу, айниқса, одамларнинг исм-шарифини беришда яққол кўринади ва беихтиёр ўқувчида ўзининг саводхонлик даражасига шубҳа уйғотади. Ахир, «Аъзамов»ми «Агзамов»ми, «Мавлуда»ми «Мавлюда»ми, «Мирсолиҳов»ми ёки «Мирсаликов»ми?

Чирчиқ шаҳар газетасининг ижодкорлари мутлақо лаёқатсиз эмас. Газета саҳифаларидаги айрим мақолалар, мавзуни ёритишга ёндошув фикримизни тасдиқлайди. Бу «Ишчиларга ғамхўрлик меҳнат самарадорлигини оширади» рукни остида эълон қилинган суҳбат-мақолада яққол кўзга ташланади. Унда «Бурсель-Тошкент-Текстиль» қўшма корхонасида жамоани ижтимоий ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бирмунча мўтассал ёритилган. Касаначилик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг фаолияти, Олимпия захиралари ва тиббиёт коллежлари тажрибасига бағишланган мақолалар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Демак, таҳририят ижодкорларида муайян тажриба ҳам, маҳорат ҳам етарли. Гап фақат газетани мамлакатимизнинг йирик саноат шаҳри, иқтидорли кадрлар етишиб чиқаётган салоҳият маркази талаблари даражасига кўтариб олиш учун доимий изланишда, унинг қунт, ҳақиқий ижодкорлик, тинимсиз меҳнат талаб этишини англаб етишда, бу нашрдан кўп нарсаларни кутаётган ўқувчиларнинг ишончини йўқотиб қўймасликда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ХХI аср ва ДУНЁ

ЗАРАРИ КАМРОҚ

ЖАНУБИЙ Африка Республикасининг "Сасол" компанияси синтетик авиацион ёнилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу ёнилғи нисбатан кўп энергия чиқаради ва ҳавони камроқ ифлослантиради.

Хабарларга қараганда, "Сасол" шу кунгача фақат автомобилларга мўлжалланган синтетик ёнилғи ишлаб чиқарган. Уни тайёрлашда тошкўмир ва газдан фойдаланилган.

ОЛМАНИНГ ХУСУСИЯТИ

АВСТРАЛИЯ олимлари олма қон-томир тизимини яхшилаш, турли юрак хасталиклари, саратон ва қандли диабет хавфини камайтириш хусусиятига эга эканини таъкидлашмоқда.

Тадқиқотчи Шон Ландоннинг сўзларига кўра, ҳеч қандай кимёвий бирикма олманинг фойдали таркиби билан тенглаша олмайди.

Маълумотларга кўра, олмадаги антиоксидантлар (улар таркибида тўйимли моддалар, А, С, Е гуруҳидаги витаминлар, селен ва рух мавжуд) бир пиёла чойнинг антиоксидантларига қараганда икки марта, апельсинникидан уч, бананникидан саккиз карра кўпдир.

ПАРИЖДАГИ САВДО

ПАРИЖДАГИ "Друо" савдо уйида "Брегет" астрономик чўнтак соати 3,47 миллион еврога сотилди.

Моҳир уста Абрахам Луи Брегет (1747-1823) ясаган ушбу қадимий соат бир йилда 3-5 сонияга "адашади", холос. У ҳар чорак соатда бонг уриб туради, санани аниқ кўрсатишда кабиса йилини ҳам ҳисобга олади.

Хабарларга қараганда, тўрт йил мобайнида тайёрланган ушбу соатни 1831 йил 13 октябрда Соммерсетнинг ўн биринчи герцоги, лорд Эдвард Адольф Сеймур етти минг франкка сотиб олган экан.

ЎзА.

Диққат, викторина!

«ОЛИМПГА ЙЎЛ!»

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси республика аҳолисининг Хитойнинг ўтмиши ва бугунги ҳаётини ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтириш, Пекинда ўтказиладиган XXIX Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёни билан кенгроқ таништириш мақсадларида викторина эълон қилади. Викторина саволлари республикадаги 29 та босма нашрларда чоп этилмоқда. Унга жами бешта савол киритилган бўлиб, шундан учтаси бошқа нашрларда қайтарилмайди.

Бугун биз «Тошкент ҳақиқати» муштарийлари учун махсус тайёрланган саволларни эълон қилмоқдамиз.

1. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган сана.

2. XXIX Олимпия ўйинлари ўтказиладиган вақт.

3. Цитрус мевали дарахтларининг Хитой навлари Ўзбекистоннинг қайси ҳудудида биринчи марта парвариш қилина бошлаган?

4. XXIX Олимпиадада қанча медаллар шодаси учун кураш олиб борилади?

5. Хитойнинг тарихий ва маданий аҳамиятга молик ёдгорликлари.

Саволларга жавоблар викторина газеталарда эълон қилинган пайтдан бошлаб 29 тақвим кунида қуйидаги манзилга юборилади: Тошкент ш. 100003, Олмазор кўчаси, 1/15-уй, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси. Конвертга «Олимпга йўл!» белгиси қўйилиши лозим.

Жавобларга паспорт маълумотлари, касби (ўқиш жойи), тўлиқ уй манзили, алоқа учун телефон рақами ҳамда ушбу викторина тўғрисида «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган эълоннинг қирқмаси (ксеронусхаси эмас) илова қилинади.

«Олимпга йўл!» викторинаси ғолиблари ва совриндорларини Хитойга саёҳат йўлланмаси, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари кутмоқда.

Сизга омад тилаймиз!

Қўшимча маълумотлар:
E-mail-press-service@olympic.uz

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг

«Ишонч телефонлари»

Қонуний ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда ҳеч иккиланмай, Тошкент вилояти адлия бошқармасининг **"Ишонч телефони"**га қўнғироқ қилинг.

Адлия бошқармасининг тажрибали мутахассислари Сизнинг қонуний манфаатингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

– Тошкент вилояти адлия бошқармаси қабулхонаси – **280-51-04;**

– Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими – **280-50-96;**

– Шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими – **280-51-06;**

– Нотариат, ФҲДЁ ва Адвокатура бўлими – **280-51-03;**

– Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими – **280-50-98;**

– Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими – **253-82-61;**

– Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш бўлими – **253-62-85;**

– Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими – **253-61-25.**

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай туман судининг 25.03.2008 йилдаги 415-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Арғин-савдо" УК омборида сақланаётган, "ГАЗ-6614" русумли, д/р 30К6521 бўлган, 1986 йилда и/ч, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 3 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йилнинг 20 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

II. Шунингдек, 2008 йил 29 апрель куни соат 11:00 да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти прокуратурасининг 2007 йилнинг декабрдаги қарорига асосан хатланган, Қибрай тумани "Арғин-савдо" УК омборида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р М 62-27 бўлган, 2006 йилда и/ч, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 10 000 000 сўм.** Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

Қуйидаги кўчмас мулкнинг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилинган, "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 09.04.2008 й. 27-сони ва "Народное слово" газетасининг 10.04.2008 й. 71-сонида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдосига чиқарилган, Зангиота тумани, Х. Олимжон кўчаси, 3-пр., 3-уйдаги 2 қаватли "Уйжой"нинг савдоси тўхтатилди.

Савдони тўхтатишга асос: Зангиота тумани суд ижрочиларининг 09.04.2008 йилдаги си-3-сонли хати.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй.
Тел.: 228-79-52. **www.rkmb.uz**

Чирчиқ шаҳридаги ҳажми 500 тонна бўлган музлаткич **ижарага берилади.** Ўртачирчиқ тумани Туябўғиз қўрғонида жойлашган, фойдали майдони 180 кв.м. бўлган савдо дўкони **СОТИЛАДИ.**
Телефонлар: 252-11-34, 252-11-75.

Сергели туманидаги 20-касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йилда Ли Владимир Рафикович номига берилган № 285186 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом НТ № 938861 выданный в 1986 году Андижанским Государственным медицинским институтом на имя Нормухамедовой Саиде Насировне, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 14

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири» Т/с.
7.35 «Минг бир ривоят».
7.40 «Дилхуш наволар».
7.55 ТВ анонс.
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Олтин мерос».
8.55 «Денгиздан томчи».
9.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Муқаддас қадамжолар».
9.50 ТВ анонс.
«**Бола**лар сайёраси».
9.55. «Болалар дунёси».
10.15 «Кўк сичқон ва мушук» М/с.
10.35 ТВ анонс.
10.40 «Одами эрсанг...»
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
13.50 «Олтин мерос»
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
